

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

### **АҲОЛИНИ ЗИЛЗИЛАЛАР ОҚИБАТИДА ЎЗАГА КЕЛГАН ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА (ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ) ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ КОМПЛЕКС ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 304-модда)*

Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолининг тезкорлик билан ҳаракат қилиши, бундай вазиятлардан аҳолини огоҳлантириш ва унга тайёrlаш тизимининг ҳолатини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёrlаш [комплекс дастури](#) (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидаги устувор тадбирларни амалга ошириш Дастурнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолининг барча қатламларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёrlаш тизими самарадорлигини ошириш;

аҳолини ўқитиш билан қамраб олишни кенгайтириш;

кўнгилли қутқарув дружиналари тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш;

зилзила оқибатларининг сейсмик хавфи даражасини камайтириш;

аҳолига юзага келаётган сейсмик вазиятни баҳолаш қўнималарини сингдириш ва зилзила пайтида мутаносиб тарзда ҳаракат қилиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёrlашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиши.

3. Давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек бошқа жалб этилган ташкилотларнинг раҳбарлари тасдиқланган Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш механизmlари ишлаб чиқилишини, тадбирлар бажарилиши мониторинги олиб борилиши ва назорат қилинишини таъминласинлар.

4. Белгилансинки, [Дастур](#) тадбирларини амалга ошириш учун сарф-харажатлар ҳар иили ташкилотларга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, шунингдек молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобига амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 19 июль,  
208-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги 208-сон [карорига](#)  
**ИЛОВА**

**Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёrlаш**

**КОМПЛЕКС ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Бажарувчилар

I. Ўқув-методик тадбирлар			
1	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини (белгиланган ўқув соатлари доирасида) ва олий таълим муассасалари талабаларини (бир ўқитувчига талабалар сони нисбатининг белгиланган нормативлари доирасида) ўқитиш дастурига «Ҳаёт хавфсизлиги» ўқув курсини жорий этиш.	2012 йил сентябрь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2	Синовдан ўтган «Соғлиқ ва ҳаёт хавфсизлиги асослари» ва «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ўқув курсларини нашр этиш ва республиканинг барча умумий ўрта таълим муассасаларини таъминлаш.	2012 йил сентябрь	Халқ таълими вазирлиги
3	Фуқаролар йиғини кенгаши ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзоларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) бирламчи авария-күтқариш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишга ўқитиш ва тайёрлаш, шунингдек уларни зарур техник воситалар билан таъминлаш.	2011-2012 йиллар мобайнида	«Маҳалла» жамғармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фуқаролар йиғинлари кенгаши
4	«Ҳаёт хавфсизлиги», «Соғлиқ ва ҳаёт хавфсизлиги асослари» ва «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ўқув курсларини ишлаб чиқиш, уларни республика таълим муассасалари педагог кадрлар малакасини ошириш институтларининг ўқув режаларига киритиш.	2012 йил сентябрь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
5	Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда «Сейсмология ва сейсометрия» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш дастурини такомиллаштириш.	2011 йил декабрь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
6	Ахоли орасида зилзилага чидамли якка тартибдаги уйлар куриш қоидалари тўғрисида «Зилзилага чидамли уй куриш» кўлланмасини (2.01.03-96 «Сейсмик туманларда куриш» курилиш меъёrlари ва қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқиш, нашр этиш ва тарқатиш.	2011—2014 йиллар мобайнида	«Маҳалла» жамғармаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ЎзРФА Сейсмология институти, фуқаролар йиғинлари кенгаши
7	Кўйидагилар учун: мактабгача ёшдаги болалар учун; умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун; олий таълим муассасалари талабалари учун; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш	2012 йил август	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар

	соҳаларида банд бўлмаган аҳоли учун зилзила хавфи бўлганда ва юз бергандада ахолининг ҳаракат қилиши бўйича кўргазмали ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш ва нашр этиш.		вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси
8	Зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилиш қоидаларини кўрсатган ҳолда ўқувчиларнинг хавфсизлиги паспорти ва «Мактаб ўқувчисининг шахсий хавфсизлиги» қўлланмасини ўзбек, корақалпок, рус тилларида ва бошқа тилларда (ҳаммаси бўлиб еттига тилда) нашр этиш.	2013 йил август	Халқ таълими вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

## II. Ташкилий-амалий тадбирлар

9	Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларида «Ёш кутқарувчи» кўнгиллilar клубларини ташкил этиш, уларни тегишли равишда тайёрлашни ташкил этиш.	2011-2012 йиллар мобайнида	«Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
10	«Ёш кутқарувчи» клублари ўртасида уч босқичли мусобақалар (шахар, туман, вилоят, республика) ўтказилишини ташкил этиш.	ҳар йили февраль— апрель ойларида	«Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
11	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини «Ҳаёт хавфсизлиги» ўқув курси бўйича малакали ўқитувчилар билан бутлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2011 йил сентябрь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
12	Вазирлар Маҳкамасига Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг марказий аппаратларида, шунингдек уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги худудий бўлинмаларида «Соғлиқ ва ҳаёт хавфсизлиги асослари», «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ва «Ҳаёт хавфсизлиги» курсларини ўқитишини яхшилашни мувофиқлаштириш ва методик ёрдам бериш мақсадида бир нафардан (ҳаммаси бўлиб 30 нафар) мутахассис лавозимини жорий этишининг мақсадга мувофиқлиги масаласи бўйича таклифлар киритиши.	2011 йил сентябрь	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
13	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллаларида «Зилзилалар оқибатида	2011-2012 йиллар мобайнида	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси,

	юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) аҳолининг ўз вақтида ва мутаносиб ҳаракат қилиши» мавзусида кўргазмали машқ ва тактик-махсус машқларни ташкил этиш ва ўтказиш.		фуқаролар йиғинлари кенгаши
14	Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти негизида таълим олувчиларда зилзилалар пайтида ўз вақтида ва мутаносиб ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида амалий машғулотлар ўтказиш учун тегишли ёлғондакам ҳолатлар тренажёрлари билан жиҳозланган маҳсус жой ташкил этиш масаласи бўйича техник-иктисодий таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2012 йил январь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги
15	Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида таълим муассасаларининг раҳбарлари таркибини зилзилалар юз берганда ҳаракат қилишга ўқитиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этиш.	2013 йил январь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
16	Сейсмик фаолликнинг 8-9 балли зонасида жойлашган йирик аҳоли пунктлари худудларини сейсмик микрорайонлаштириш.	2014 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Молия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>III. Ахборот-маърифий тадбирлар</b>			
17	Ҳар йили зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятлар (табиий ва техноген тусдаги) юзага келишининг хусусиятлари ва сабабларини, шунингдек зилзилалар хавфи туғилганда аҳолининг амалий ҳаракатларини очиб берадиган турли илмий-таълим оммабоп қисқа метражли фильмлар ва видеороликлар яратиш.	2012—2015 йиллар мобайнида	Ўзбекистон МТРК, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
18	Таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудидаги зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятлар (табиий ва техноген тусдаги), шунингдек зилзилалар юз бериши механизмлари, улар юз берганда аҳолини	2011—2013 йиллар мобайнида	Ўзбекистон МТРК, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

	огоҳлантириш ва унинг тезкорлик билан ҳаракат қилиши чоралари тўғрисида маълумот берувчи маърифий хусусиятга эга бўлган анимацион, мультимедий ва бошқа ўкув материалларини ишлаб чиқиш.		
19	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси каналларида манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларини жалб этган ҳолда «Ҳаёт хавфсизлигининг долзарб масалалари» мавзусида ахборот-таълим берувчи телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар туркумларини, шунингдек «Ҳаёт хавфсизлиги билимдони» викторинасини ташкил этиш.	2011 йил 1 августдан	Ўзбекистон МТРК, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
20	Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг веб сайтида «Фавқулодда вазият: унда қандай ҳаракат қилмоқ керак?» руқнини ташкил этиш, уни зилзилалар оқибатида юз берган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) профилактикага ва аҳолининг ҳаракат қилишига тегишли методик материаллар билан доимий равиша тўлдириб бориш.	2011 йил октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
21	Зилзилаларнинг салбий оқибатларини камайтириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мавжуд ахборот-таълим берувчи интернет-порталларини қўллаб-куватлаш ва янгиларини ташкил этиш. Таълим муассасаларининг маҳаллий тармоқларида «Соғлиқ ва ҳаёт фаолияти асослари», «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ва «Ҳаёт хавфсизлиги» ўкув курслари бўйича электрон ўкув-методик қўлланмалар ташкил этиш.	2011 йил октябрь	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
22	Республика газета ва журналларида «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабар беради», «Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш», «Ҳаёт хавфсизлиги» ва шу каби руқнлар ташкил этиш.	2011 йил 1 октябрдан	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
23	«Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мувофиқ турли хусусиятга эга бўлган йирик фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда аҳолини радио ва телевидение воситасида	2011 йил август	Ўзбекистон МТРК, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

	хабардор қилиш бўйича мавжуд матнларга тузатиш киритиши.		
24	Бўлиши мумкин бўлган табиий оғатлар ва ҳалокатлар хавфи тўғрисида аҳолини ўз вақтида ва тўлиқ хабардор қилиш мақсадида ишлаб турган обьектлар бўйича, маҳаллий ва ҳудудий хабар бериш тизимларини такомиллаштириш ва янги замонавийларини қуриш.	2014 йил январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар